


## МЕХНАТДАН КЕЛГАН БОЙЛИК



Тошкент туманидаги Кўксарой маҳалласида яшайдиган Дилбар Ҳожи она билан турмуш ўртоғи Абдурахим Ҳожи оталар оиласида файз ўзгача.

Катта ва меҳмондўст бу хонадоннинг бекаси Дилбар онанинг гайратию шижоатиға хавас қилса арзийди.

Тошкент шаҳридаги "Юлдуз" фабрикасида Дилбар она 38 йилдан ортиқ меҳнат қилди. Халол меҳнати туфайли обрў-эътибор топди. Кўли гул, чеҳраси қалби гул бу аёлнинг оилавий турмуши ҳам обод. Умр йўлдоши Абдурахим Ҳожи ота билан ўтган 44 йиллик ҳаётда бир аёл бахтини кўриб яшади. Оналикнинг чиройли, бетакрор лаҳзалари умрини бевади. Ҳаётнинг турли синовлари аро тўрт фарзандни камолға етказдилар. Аҳил оилада - Дилором, Дилфуза, Мухайё ва ўғли Бахтиёрлар ўсиб вояға етишди.

Дилбар она фарзандларини аввало меҳнатни эъзозлашга ўргатди.

- Шукр, фарзандларим ҳам

ўзимизга ўхшади. Бир лаҳза бўш ўтиришмайди. Тонглари меҳнат билан бошланиб меҳнат билан якунига етади. Майли-да, инсон соғу-саломат экан, меҳнат қилишга лаёқатли экан, ишлашга не етсин! Энг асосийси ота-она тириклигида ўғлингиз ҳам, қизингиз ҳам ўз ўрнини топиб ол-



син. Ота-она учун яна нима керак? Биз отаси билан уларнинг ишларини зимдан кузатарканмиз, қай бирига ёрдамимиз ёки маслаҳатимиз керак бўлиб қолса қараб турмаймиз, - дейди Дилбар она.

Кейин: - Сизлар менинг фар-

зандларимнинг қандай меҳнат қилишини бир кўринглар, - дея қизи Дилоромхоннинг уйига бошлади. Биз кенг, гуллари яшнаб турган хонадонга кириб борганимизда хонадон соҳибларини қизгин меҳнат устида учратдик.

Парникларда помидорлар қипқизил бўлиб етилган, 26 хилдан ортиқ турли хризантема гуллари кўзни олгудек бўлиб очилди ётибди.

Мен бу гўзалликдан ҳайратланарканман Дилбар онадан айнан нима учун гулчиликка бунча меҳр кўйганлиги сабабини сўрайман.

- Гулни севган одамларнинг кўнглида губор бўлмайди. Яна шунга ишонаманки, агар инсон чиройли нарсалар билан ошно бўлса, ҳаёти ҳам шунга ўхшаб чиройли бўлар экан. Мана бу гулларни қаранг, жуда чиройли-а? Ана шулар орқасидан келган даромад ҳам чиройлик. Тўғри, меҳнати жуда оғир, бироқ, меҳнатсиз нимага эришиб бўларкан? Мана, яқинда бу қизим қиз чиқариб келин олади. У ҳам менга ўхшаб қайнона бўлиш арафасида, - дейди у.

Дилбар онанинг қизлари Дилором, эри Бахтиёр ва ўғиллари Дилмуроджонлар учун гуллар орасида ишлашнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Буни меҳнат сурури, дейишади. Қай касбда бўлмасин инсон севиб, берилиб меҳнат қиларкан, асло кам бўлмайди.

Майли, тўйлар бўлсин, невара келинлар келсин, набира қизлар ҳам борган оилаларини ўз буювжонларидек файзу-баракага тўлдиришсин. Ушбу хонадонга асло кўз тегмасин.

Басира

Меҳр ва мурувват деганда, биз шаҳар ёки қишлоқ бўладими, ёрдам ва кўмакка эҳтиёж сезадиган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, турли сабабларга кўра ҳаётда омади келмаган, ўзини боқишга қийналаётган инсонларга моддий ва маънавий кўмак беришни назарда тутамиз.

И.Каримов

Конституциямизнинг 11 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз 2004 йилни мамлакатимизда «Меҳр ва мурувват йили», деб эълон қилишни таклиф этди. Асли фель-атвори, туриш-турмуши меҳр-мурувватга қорилган халқимиз бу хушxabарни хуш-хурсандчилик билан кутиб олди.

## ЭЪЗОЗУ ҚАДР ДОИМИЙ БЎЛСИН

Юртбошимизнинг: "Ҳар қандай ободлик, кўнглидан бошланади", деган иборалари бор. Дарҳақиқат, маҳалланинг ободлиги, юрт фаровонлиги меҳру муҳаббат билан. Меҳру мурувват, эъзоз ва қадр... Мамлакатимизда миллий ва диний кадриятларимизнинг уйғунлашиб кетгани боис, Бош қомусимизнинг 39-моддасида: "Ҳар ким қариганида, меҳнат лаёқатини йўқотганида, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганида ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда илтимой таъминот олиш ҳуқуқига эга", деб ёзиб қўйилган. Дарҳақиқат, Конституциямиздан тортиб барча қонунлар, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларга ҳаммаси

ана шу инсонпарварлик тақомилига асосланган. Азал-азалдан ота-онага, ёлғиз қарияларга, мискинларга меҳру мурувват кўрсатиш қон-қонимизга сингиб кетган. Меҳру мурувват деганда фақат моддий ёрдам эмас, ёрдамга муҳтож инсонлар кўнглини кўтариш, қалбига йўл топишни тушуниш лозим. Ўсиб келаётган фарзандларимиз қалбда ҳам бу фазилатларни камол топтирайлик. Зеро бу эзгулик миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айланиб қолсин.

Ҳалима АЛИМОВА  
Сурхондарё вилояти  
Денов туман илтимой  
таъминот бўлими  
бошлиғи

## МАҲАЛЛА — КАТТА КУЧ

"Обод маҳалла йили"нинг сўнгги кунларини шод-хурамлик билан ўтказарканмиз ҳадемай Президентимиз куни кеча эълон қилган "Меҳр ва мурувват йили"га қадам қўямиз. Ўтаётган йилда кўп қўлғу ишларни амалга оширдик. Янги йилдан мақсад-ниятларимиз бундан кам эмас, албатта боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ота-онасидан маҳрум бўлган болалар, ёрдамга муҳтож қарияларни ҳаётини ўрганиб чиқиб, рўйхатларини тайёрлаёмиз. Янги йилда биз фақатгина меҳр-мурувват ишлари билан кифояланиб қолмасдан ободонлаштириш ишларини ҳам давом эттирамиз. Бундан ташқари айрим фарзандлари йўқ оилаларда уларнинг уйларини таъмирлаш, моддий томондан ёрдам бериш ҳам маҳалланинг зиммасида турибди. Албатта маҳалла жуда катта куч.



Маҳаллада меҳр-мурувватли, саховатли, фидойий инсонлар жуда кўп. Мен ўйлайманки, 2004 йил "Меҳр ва мурувват йили" деб аталishi жуда ҳам тўғри бўлди. Биз юртдошларимизга доимий меҳр-мурувват кўрсатишимиз керак.

А.Гадойбоев  
Ўзбекистон Республикаси  
Оқсоқоллар Кенгаши ва  
"Маҳалла" жамғармаси  
Раиси.



# ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР



**Зулфия номидаги Давлат мукофоти-га тавсия этиш учун номзодларга танлов ўтказишнинг II-босқичи якунланди, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Республика комиссияга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатидан 74 нафар номзодлар тавсия этилди.**

**Қорақалпоғистон Республикасидан:**

- А. Туремуратова** - Тошкент Давлат Консерваторияси талабаси. Санъат йўналиши бўйича.
- Г. Кампназарова** - Тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчиси. Маданият йўналиши бўйича.
- Н. Каипбергенова** - Ҳўжайли туманидаги 57-мактабнинг ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.
- С. Реймова** - Нукус Пед.институтини талабаси, адабиёт йўналиши бўйича.
- Г. Алنياзова** - Қорақалпоқ Давлат университети талабаси. Фан йўналиши бўйича.
- Анджон вилоятидан:**
- С. Махмудова** - Шахрихон туманидаги 4-мактаб интернатининг ўқувчиси. Адабиёт йўналиши бўйича.
- Г. Чаварова** - Балиқчи тумани касб-хунаро коллежи талабаси. Санъат йўналиши бўйича.
- Д. Абдуллаева** - Андижон Давлат университети талабаси. Фан йўналиши бўйича.
- Д. Абдуллаева** - Жалақудук касб-хунаро коллежи талабаси. Таълим йўналиши бўйича.
- А. Шехочихина** - Андижон Олимпия захиралари спорт коллежи талабаси. Маданият йўналиши бўйича.
- Бухоро вилоятидан:**
- Ю. Ондаева** - Бухородаги 12-мактаб ўқувчиси. Адабиёт йўналиши бўйича.
- Ю. Турдыева** - М.Ашрафий номли санъат коллежи талабаси. Санъат йўналиши бўйича.
- М. Раҳимова** - Бухоро Давлат университети талабаси. Фан йўналиши бўйича.
- Х. Исмоилова** - Когон шаҳридаги 6-мактаб ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.
- Э. Эргашева** - Жондор тумани марказий кутубхонаси кутубхоначиси. Таълим йўналиши бўйича.
- Жиззах вилоятидан:**
- С. Урдусева** - Жиззах Давлат Педагогика институти талабаси. Адабиёт йўналиши бўйича.
- У. Донашева** - Жиззах вилояти Зо-

- мин туманидаги 51- мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.
- Ш. Мирзаева** - Жиззахдаги "Сайл-жойи" академик лицейи талабаси. Санъат йўналиши бўйича.
- О. Шамсиева** - Жиззах Пед.институтининг талабаси. Фан йўналиши бўйича.
- Н. Абдурахимова** - Арнасой туман марказий касалхонаси ҳамшираси. Маданият йўналиши бўйича.
- Навоий вилоятидан:**
- Х. Нарзиева** - Қизилтепа туман 38-лицей интернат ўқувчиси. Адабиёт йўналиши бўйича.
- Л. Нарзиева** - Қарман туман 15-мактаб ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.
- Н. Рўзиева** - Навбахор туман 12-мактаб ўқувчиси. Фан йўналиши бўйича.
- А. Оразмуратова** - Томди туман 9-мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.
- Д. Юсупова** - Нурота туман ижтимоий-иқтисодий коллежи талабаси. Маданият йўналиши бўйича.
- Наманган вилоятидан:**
- А. Иплина** - Вилоят ёш савҳатчилар ва ўлкашунослар маркази этнография раҳбари. Адабиёт йўналиши бўйича.
- Ф. Абдуқаҳорова** - Тўрақўрган туман банк ва иқтисодий мактаб-интернат ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.
- Ш. Абдувалиева** - Чортоқ туман "Ди-ларфўз" кичик корхонасида гиламдўз, зардўз. Маданият йўналиши бўйича.
- О. Сучкова** - Давлатобод туманидаги 48-мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.
- Г. Саломова** - Наманган Давлат университети талабаси. Фан йўналиши бўйича.
- Самарқанд вилоятидан:**
- Д. Тиркашева** - "Зарафшон" нашриёт муҳаррири. Адабиёт йўналиши бўйича.
- Д. Бекназарова** - Қўшрабат туман 9-мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.
- Н. Ҳайдарова** - Темирийўл туманидаги 64-мактаб ўқувчиси. Фан йўналиши бўйича.
- С. Раҳмонова** - Пайарик туманидаги 6-мактаб ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.

- Н. Бекмуродова** - Нарпай тумани "Умид гунчалари" тўрагага аъзоси. Маданият йўналиши бўйича.
- Сирдарё вилоятидан:**
- Х. Каримжонов** - Гулистон шаҳар 2-мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.
- Э. Разакбергенова** - Гулистон шаҳар "Қувонч" боғча-мактаб мажмуаси ўқитувчиси. Таълим йўналиши бўйича.
- Ю. Абдурахимова** - Янгиер академик лицейи талабаси. Фан йўналиши бўйича.
- Г. Сулаймонова** - 18-мактаб кутубхоначиси. Маданият йўналиши бўйича.
- Ф. Ҳазраткулова** - Академик лицей талабаси. Адабиёт йўналиши бўйича.
- Сурхондарё вилоятидан:**
- Ф. Курбонова** - Денов туманидаги 84-мактаб ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.
- М. Усмонова** - Термиз Давлат университети талабаси. Санъат йўналиши бўйича.
- Ф. Султонкулова** - Бойсун тумани 13-мактаб интернат ўқувчиси. Адабиёт йўналиши бўйича.
- Ш. Арханова** - Тошкент маданият коллежининг талабаси. Маданият йўналиши бўйича.
- Э. Жавлиева** - Термиз Давлат университети талабаси. Фан йўналиши бўйича.
- Тошкент вилоятидан:**
- Ш. Шожалилова** - Паркент туманидаги 22- мактаб ўқувчиси. Адабиёт йўналиши бўйича.
- Н. Сайдалиева** - Оққўрғон тумани "Қувонч" халқ рақс ансамбли аъзоси. Санъат йўналиши бўйича.
- С. Чанчарова** - Олмалик Давлат техника коллежи талабаси. Таълим йўналиши бўйича.
- Г. Исоева** - Ангрен Давлат Педагогика институти талабаси. Фан йўналиши бўйича.
- Н. Раҳимбердиева** - Бўстонлик тумани 11-мактаб ўқувчиси. Маданият йўналиши бўйича.
- Тошкент шаҳридан:**
- Ф. Умурзоқова** - Тошкент ҳуқуқшунослик коллежи талабаси. Адабиёт йўналиши бўйича.
- Д. Холмухамедова** - 131-мактаб ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.
- А. Ильичева** - Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия университети талабаси. Фан йўналиши бўйича.
- К. Эрматова** - Тошкент Давлат Юридик институти қошидаги академик лицей талабаси. Маданият йўналиши бўйича.
- Э. Абдуллаева** - В.Успенский номидаги Республика махсус мусика академик

- лицейининг талабаси. Санъат йўналиши бўйича.
- Фарғона вилоятидан:**
- Д. Мамадалиева** - Қува тумани 2-мактаб-интернат ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.
- Б. Отажонов** - Фарғона Давлат университети қошидаги академик-лицейининг талабаси, адабиёт йўналиши бўйича.
- Ш. Ходжикулова** - Данғара туман умумтаълим мактаби ўқувчиси. Маданият йўналиши бўйича.
- Г. Ёрбоева** - "Тадбиркор аёл" уюшмаси ходими. Санъат йўналиши бўйича.
- Э. Джўраева** - Фарғона Политехника институти талабаси. Фан йўналиши бўйича.
- Хоразм вилоятидан:**
- У. Нурметова** - 10-лицей-интернат ўқувчиси. Адабиёт йўналиши бўйича.
- М. Матчанова** - Урганч давлат университети талабаси. Санъат йўналиши бўйича.
- Е. Розимова** - Урганч давлат университети талабаси. Таълим йўналиши бўйича.
- Ф. Жабборова** - 16-мактаб ўқувчиси. Маданият йўналиши бўйича.
- Н. Рўзметова** - 1-ТошДавТИ Урганч филиали талабаси. Фан йўналиши бўйича.
- Қашқадарё вилоятидан:**
- Н. Максудова** - Китоб тумани А.Мирзаев номли умумтаълим мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.
- Л. Турсунова** - Қарши Давлат университети талабаси. Фан йўналиши бўйича.
- Г. Хамраева** - Шахрисабз Педагогика билим юрти кутувчиси. Фан йўналиши бўйича.
- Х. Жўраева** - Китоб туманидаги Индира Ганди номли мактаб ўқувчиси. Маданият йўналиши бўйича.
- Республика "Қамолот" ижтимоий ёшлар ҳаракатидан:**
- Г. Тўлганова** - Термиз Давлат академик лицей талабаси. Адабиёт йўналиши бўйича.
- Н. Раҳимова** - Муборак туманидаги ал-Хоразмий номли лицей-интернат ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.
- Ш. Холмуратова** - Жарқўрғон туманидаги 17-мактаб ўқувчиси. Фан йўналиши бўйича.
- Р. Абраева** - Термиз туманидаги 25-мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.
- М. Ҳайдарова** - Тошкент ҳуқуқшунослик коллежи талабаси. Маданият йўналиши бўйича.

## ҲАЛОЛЛИҚДА ГАП КЎП

Кўрган-кечирганларим



1924 йил киш ойларида, яъни 17 декабрда, меҳнатсевар оилада туғилдим. Отам Абдулла илм кишиси, онам Зубайда уй бекаси эди. Отам табиблик ҳам қиларди. Ота-онамни менгача ҳеч фарзандлари турмаган. Шунинг учун ҳам мени қўрбонлик қилиб тилаб олишганлари учун исмиمنى ҳам Файнижамол, яъни "Кўёшдек жамоли бўлсин!" - деб қўйишди. Тилаб олган бола бўлганим учун доим Худонинг паноҳида эканман. Отам мен 5-6 ёшларимда вафот этиб, оилада 3 та фарзанд етим қилиб, болаликда етимлик азобларини кўриб ўсдим. Онам ёш булганлари учун бизларни холамнинг қўлига ташлаб, турмуш қилиб кетганди. Кейинчалик ўғай отам бизни тарбиялашга рози бўлиб, ўзларига олишди. Ўғай отам ҳам ўқимшили, илми одам эди, шу боис бизни яхши тарбиялади. Отам ми-

лиция мактабида дарс берарди. Кейинчалик биз Эски шаҳардан Навоий кўчасидаги кўп қаватли уйга кўчдик. Менинг ёшлигим ҳам ўша жойда ўтди. Мен энди 17 ёшга тўлганимда, уруш бошланиб қолди. Ўғай отамни ҳам ўзбек дивизияси тузилиб, урушга олишди. Оилада каттаси бўлганим сабабли ишга киришимга тўғри келди. Мен 3-бўлим милициясида паспорт столида ишладим. Мен ҳалол-харомни ажрата оладиган бўлиб ўсдим. Бир кун бир аёл паспорт столига келиб, мени бир дақиқига ташқарига чиқишимни илтимос қилди. Мен чикдим, кейин менга қўлидаги бриллиант узук, зирақларни кўрсатиб: "Агар сен бизнинг оиламизни рўйхатдан ўтказсанг шуларни сенга берамиз", - деди. Мен рози бўлмадим. Мен ҳам келишган, ёш қиз эдим. Чиройли бўлиб, тақинчоқларни тақиб, юргим келарди. Шу вақтларда баъзи паспорт столи хизматчилари бойиб, олтин безаклар тақиб, яхши кийиниб юришарди. Аммо уларни виждонлари пок эмасди. Порахўрликда ишим ошқорча бўлади деб кўрқиб, ҳадикда яшардилар. Мен эса: "Оч қорним, тинч қулгоғим", деб яшардим. Лекин одамларга доим яхшилик қилардим. Ёшлигим меҳнат билан, шодлик билан ўтди.

сафда юрганимда қизларнинг оёқларини босиб олаверардим. Шунинг учун сафнинг ортида юрардим. Милтиқ отишда ҳам қўлларим калтираб ўқ нишонга тегмай қоларди. Кечалари тревого бўлиб ширин уйқудан туриб сафда турардик. Оғир ҳарбий таълимни олиб, Ватанимга хизмат қилганман. Ўқишни таломлаб мени яна паспорт столига 6-бўлим милициясига ишга жўнатишди. Кичик лейтенант унвони ҳам беришди. Биз эрталаб соат 8 дан кечки 10 гача ишлардик. Ишхонам Навоий кўчасида эди. Мени ҳарбий трибунал судига маслаҳатчи қилиб сайлашганди. Хар ойда бир марта трибунал судига бориб жиноий ишларни кўришда қатнашардим. Бир кун уйда бир бурда нон йўқ эди. Эрталаб туриб озгина ўрик ёб кетгандим. Иш кўрилатганда очликдан оз бўлса хушимдан кетай дедим. Шу вақтларда баъзи паспорт столи хизматчилари бойиб, олтин безаклар тақиб, яхши кийиниб юришарди. Аммо уларни виждонлари пок эмасди. Порахўрликда ишим ошқорча бўлади деб кўрқиб, ҳадикда яшардилар. Мен эса: "Оч қорним, тинч қулгоғим", деб яшардим. Лекин одамларга доим яхшилик қилардим. Ёшлигим меҳнат билан, шодлик билан ўтди.

Ёнимизда "Муқимий" театри бор бўлиб, биз шу театрга бўш вақтларимизда кириб томшалар кўрардик. Махмуджон Гафуров "Алломиш" ёки "Тоҳир ва Зухро" дан қўшиқ айтса зал ларзага келарди. Муқимий театрининг артистлари Махмуджон Гафуров, Соип Хужаев, "Хамза" театри артисти Наби Раҳимов билан яқиндан танишдик. У киши ўрда суви бўйидаги "Абдулла Тўқай" кўчасидаги уйда турарди. Хар доим ишга кетаётганларида мени театр томоғасига таклиф қиларди. Биз Навоий кўчасидаги 2-уйда яшасак, қаршимиздаги уйда ажойиб рассом Абдулҳақ Абдуллаев яшарди. Мен унинг синглиси Азиза опа билан яқин дугона эдим. Уларнинг уйига артистлар ва бошқа рассомлар ҳам келиб турар, биз ҳам улар билан яхши суҳбатлар қилардик. Менинг ёшлигим оғир уруш йиллари даврида ўтди. Мен ўша вақтда Юридик институтига сиртдан ўқишга кирдим. 2-курсга ўганимда ўқишни ташлаб бошқа шаҳарга кетишга тўғри келди. Чунки, фарғоналик бир йигитга турмушга чиққан-дир. Турмуш қургандан кейин фарзандлар кўрдим. Оилам, бола-чакам деб яшайшим керак эди. Тошкентга қайтиб келиб, мактаб кутубхонасига ишга кирдим ва сиртдан Пед.институтининг

тарих факултетига ўқиб тарихдан дарс бера бошладим. Ёшлигимда шерьиятга қизиқиб Навоий, Бобур, Умар Ҳайём каби улўғ зотларнинг асарларини ўргандим. Инсон меҳнатдан роҳат топади, ҳаёти мазмунли ўтади. Баъзан газеталардаги ялқов аёллар, ялқов эркеклар ҳақида ўқисам жуда ажабланаман. Ҳаётда шундан инсонлар борки, эрталабдан-кечгача телевизор олдида ўтириб, ёки кўчага чиқиб тўп-лашиб нийбат қилиб ўтиришади. Умрини мазмунсиз ўтказган, инсонлардан нафратланаман. Ёзувчи Ўлмас Умарбеков оғир касал бўлиб ётганида ҳам ажойиб асарини яъни "Фотима-Зухра"ни ёзган-ку, ахир! Бекорчилик, ялқовлик инсонга ҳеч нарса бермайди. Ҳурматли ўғил-қизларим! Сизлар озод, гуллаган Ўзбекистонда яшасангизлар, нимани орзу қилсангизлар албатта эриша оласизлар. Ватанга садоқатли, меҳнатсевар бўлиб яшанглар. Ота-онангизни ҳурматини жойига қўйсангиз кам бўлмайсизлар. Энг муҳими ҳалоллик - ҳалол бўлсангиз эл-юртнинг дуосини оласизлар. **Файнижамол Абдулла қизи Кекса педагог Тошкент шаҳри**



Кўнгирақларингиз...

РЎЗФОРИНГИЗ

Мен турмушга чиққанимда ҳали талаба эдим. Институтда ўқирдим. Совчи бўлиб боришганларида ўзимиз ўқитиб оламыз, дея катта ваъдалар беришди. Тўғри ўқиб, дипломли бўлдим. Лекин, сиртқиға ўтказиб уни ҳам амал-тақал қилиб битирганман. Аммо, мен учун кўндан қўтилган дипломим ҳам уйдигиларимга унча қувонч бахш этмади. Мен суюниб дипломимни уйға олиб келдим.

Бунча қувонасиз? Барибир ишламайсиз-ку, - деди қайнонам пинағини бузмасдан. Мен ҳайрон эдим. Ахир диплом олсам ишга қирарман, шундан кейин кўчага чиқшимга ҳам имкон пайдо бўлади, деб севингандим... Лекин мана, ҳали ҳам уйдаман. Ҳайрон бўлишга қарамай уйдан эртасидан-кечгача машғулман.

Рўзгорда етишмовчилик бўлмаса... Кимдир топиб-туттиб турса... Уй-рўзгор ишларини бахариш роҳат-фароғат бахш этмайди аёлга?

Тўғри, нолиш гуноҳдир. Лекин мана икки фарзандли бўлдим. Каттаси мактабга, кичиги боғчага боради. Болаларимни бирор марта боғчага олиб бормеганман. Қайнона-қайнотамнинг ўзлари боғчага ҳам, мактабга ҳам олиб бориб қилишади. Улар-

Бу ҳақда турмуш ўртоқларингиз нима дейишяпти?

Улар қарши эмас. Майли, агар ота-онамизни кўндиролсанлар, ишга кириб ишлайверинлар, - дейишади. Ҳамма гап ота-онасида. Эрим ҳам, укаси ҳам ота-онасини бошига кўтаришиб, уларнинг олдидан ўтиб ўзларича бир иш қилишмайди.

Қариндошлардаги тўймаъракаларга борасизларми?

Ҳа. Уларга борамиз. Борганда ҳам энг сўнгги урфдаги кийимларни кийиб чиройли бўлиб борамиз. Машинада олиб бориб қилишади.

Уй-рўзгор тутишларингизга муносабатлари қандай уларнинг?

Нимасини айтасиз, орас-талиқни, саришталиқни жуда ёқтиришади. Уй, ошхоналаримиз уёқда турсан, ҳатто ҳовлимиздан ҳам қил топмайсиз. Бизнинг ҳар бир ишимизни назорат қилишиб, уларга ёқмасе бошқатдан қиламиз. Уйнинг ишларини қилиш ҳам яхши, мароқли, аммо, барибир эркин бўлиб истаган жойимизга борсак, ота-онамизни ўзимиз бориб кўрсату суҳбатлашиб, дийдорлаш келсак деймиз-да.

Кейинчалик, улар тушуниб қолишар балки? Эрин-

Чоршанба. Одатдагидай тахририятда иш қизғин. Кимдир телефонда гаплашяпти, кимдир қороздан бош кўтармай мақрола ёзиш билан банд. Йўлакдан ёшгина қизчанинг "Ойи, ойижон", деган овозини эшитиб ўрнимдан туриб қизалоқ томон йўл олдим.

Ойингни йўқотиб қўйдингми? Йиғлама, ҳозир келади, - дея қизчани юпатишга уриниб тургандим, қўшни хонадан чиққан 35 ёшлардаги қўхликкина аёл ёнимга келиб, қизчасига даққи бера бошлади.

Вой эси йўқ қиз-эй, ҳозир чиққан дедим-ку, дарров йиғлашга тушдингми?

Кечирасиз, синглим "Оила ва жамият" газетасини излаб бошқа хонага ўтиб кетибман. Сиз билан суҳбатлашмоқчи эдим. Исмиҳ Ҳадича. Отам асли андижонлик. Йигитлик даврларида Тошкентга ишлаш учун келиб онамни ёқтириб қолади. Ота-онасининг қаршилиғига қарамай онамга уйланиб иккүёв бўлиб Тошкентда яшай бошлайди. Орадан бир йил ўтиб, акам дунёга келади. Отамнинг ишлари юришмай қолгач Андижонга бориб ер олиб ишлаш бошлайди. Онам акамни эргаштириб отамни орқасидан Андижонга қўчиб боради. Лекин у ерни шароитига қўнма олмай отамни пойтахтга қайтиб келишга ундайди. Отамнинг уйдигилар рози бўлишмаган онам юртига ота-онасиникига қайтишга мажбур бўлади. Шу орада онамни ота-онаси бирин-кетин оламдан ўтишиб онам ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Отам Андижонда бошқа аёлга уйланиб фарзандли бўлади. Буни эшитган онам уй-жойни ташлаб яна отамни олдига қайтиб бориб яшай бошлайди. Уша пайтлари онам ҳали у ёқда, ҳали бу ёқда яшаб юрган-дан фойдаланган тоғам "ота-онамни чироғини ёқиб тураман", - деб бизникига қўчиб ўтади. Палакнинг гардиши билан мен дунёга келгач, отам умрининг қолган қисмини онам билан ўтказишга қарор қилади. Ва уч нафар болани эргаштириб яна Тошкентга қўчиб келишади. Аммо бу пайт тоғам уй эгаси бўлиб қолганди. Вақтинчалик яшаб туришига келишган тоғам ўзи ҳовли-жойини сотиб оиласи билан бизникига қўчиб ўтиб олган. Онамга тегишли ҳовли ва мол-мулкларни ўз номига расмийлаштириб, домовой китобни яшириб қўйган экан. Шундай қилиб тоғам билан онам ўртасида келишмовчилик бошланади. Тоғам отамни келгиндидан олиб, келгиндига солиб, ҳақоратлаб, Андижонга кетсин, бу ерда унча жой йўқ, сени ҳаётингни заҳарлади деб туриб олади. Бу пайтда отам солиғини йўқотиб, оламдан ўтади.

Отангизни Андижондаги оиласининг ақдари нима бўлди?

У ердаги хотини икки нафар фарзанди билан отамнинг ҳовлисига яшайверишди. Угай оғам билан ўз онам ҳеч қачон отамни талашимас, аксинча уни авайлашарди. Аммо отам юрак ҳасталиғи туфайли бизни энг меҳрга, парваришга муҳтож пайтимизда ташлаб кетди. Тоғамни шайми ёниб, дўппилсини осмонга ота бошлади. Ҳов-

лини ўртасидан иккига бўлиб олди. Бу орада акам армияга кетди. Отамни турмушга узатди. Афсуски акам армиядан қайтиб келиб кўп яшамади. У ўлка касалига учраган экан. Даволатишга пулимиз бўлмади. Жуда ҳам ноҳор яшардик. Оиламизда биргина онам фабрикада ишлаб рўзгорни тебратарди. Мен ёшлик-бебошлик даврларимни катталардек кўтиб олдим. Чунки оиламиз бошлиқларини кетма-кет йўқотиш менга оғир зарба бўлди. Ун олти ёшларда ишга жойлашдим. Бу пайтда онам нафақага чиқиб уйда ўтирарди. Тоғам ҳимоячиси қолган икки аёлни хўрлашдан бошқа нарса билан қизиқмади. Бизга товۇқ катагайдай жойни қолдириб, ҳовлини бутун қисмини эгаллаб олишди. Онам учун чинакам азоб-қубат даврлари бошланди. Мен эрталаб ишга кетиб кечқурун қайтардим. Тоғамни эридан ажраб

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

ОНАМДАН ҚОЛГАН



ОМОНАТ

Келган қизи уйда ўтирарди. Уни бир-бирдан шўх иккита ўғилчаси бор. Мен ишга кетсам уларидидаги ахлатларни олиб чиқиб ҳовлимизга сепиб юборар, эндигина овқат пишириб қўяман деб ўтирган онамни кўзини шамғалат қилиб, қайнаб турган қозонга қўм, тошларни ташлаб қочшар, касалманд, мунгайиб қолган онам бечора бирор нарса деёлмас, хаддидан ошган болалар тезакларни эшик ва ойналарга суркаб чиқар экан. Қўзим келиб жанжал чиқармасин дея қўрққан онам бечора эшик-даразаларни кечгача ювиб-тозалаб қўмга тўлган қозонга бошқа овқат қилишга уринар, мени ишдан қайтишимга ҳеч нарса бўлмагандай хурсанд ҳолда ўтирарди. Бу гапларни умрининг сўнгги дақиқаларида сўзлаб берганида бутун вужудим нафратга айланди. Аммо ноҳор эдим. Тоғам онамни оламдан ўтишини кун санаб кутарди. Бир кунни турмушидан ажралган қизини уйимизга киргизган. У онам билан жанжаллашиб, оғзига латта боғлаб ўрган. Тоғам онамни аёвсиз тепаётган пайтда қўшни эркак кириб қилиб уларни тўхтади, инсофга чақирган. Уша кун мен аламга чиқолмадим, улар билан жанжаллашдим. Аммо улар қўнчилиқ, мен ёлғиз эдим. Таслим бўлдим.

Шундан кейин онам қўрқок бўлиб қолди. Умрининг сўнгги дақиқасигача ҳовлига чиқибдан қўриқиб яшайди. Онамни тезроқ ўлишини истаган тоғам онамдан олдирок у дунёга равона бўлди. Тоғамни маъракаларида оиламиздаги келишмовчиликларни билдирмай кириб-чиқиб юравердик. Ҳозир мени бир нарсаси қийнайди. Онам вафот этганидан кейин ўзимга ўхшаган етим йигит билан оила қурдик. Онамдан қолган омонат ҳовлида яшаймиш. Мана шу қўзим туғилганига 3 йил бўлди. Ҳозиргача бир хонагина уйчамизда эрхотин, қўзим учаламиз пиширилашиб, овоз чиқармасдан гаплашамиз. Агар шовқин кўтарсак тоғамнинг қизи чиқиб жанжал қўтаради. "Эрингни бу уйда проплексиси йўқ, уйдан хайдайман", - деб қўрқатади. Ахир нима қилай, қўнғий эрхотин бўлганимиз билан "домовой" китоб уларни қўлларидан бўлса, эримни доимий рўйхатга ўтказса олмаганман. Биргина тоғамнинг келини мен билан муомала қилади. Қайнопам сизларни бу ердан қўчириб юбориб ўринларга бизни ўтиргизмоқчи, мен бундай бўлишни хохламайман", - дейди. Синглим, бу ерга келишдан мақсадим, бу дунёда мол-мулклар, бойликлар барчамиздан қоларкан. Бизнинг ҳаётимизни дўзахга айлантирган тоғам ўзи билан бир кафт тупроқ олиб кетганида ҳам бойлик, мерос инсон учун вафо эканлиғига ишонардим. Тоғам каби нокас кимсаларга бош эгиб яшаган бўлардим. Афсуски у дунёга қандай келган бўлса, шундайлиғича биз жигарлари қалбиға нафрат пичоғи-

ни қадаб кетди. Бизни қонқариндошлиғимиз бир парча ер можароси билан тугади. Агар имконият бўлса муруватли, имконият бор одамлар ёрдам беришса, бу ердан кетиб, қаерда бўлса ҳам яшашга розимиз. Чунки эртага онамнинг қизи мен ва қўзим бошига тушиб қўлишдан қўрқаман.

Ҳадича опа рўмолининг бир чети билан юзларидидаги кўз ёшларини артар, қизчаси унга қўзлари мўлтлалаб қараркан, "ойижон, йиғламанг, бўлмаса дадамга айтиб бераман", - дея онасини юпатишга ўтди. Уч яшаргина қизча онасини юпатиш учун куч топгандан хурсанд бўлдим. Аёлга эса бу ҳаётнинг ҳар бир дақиқаси курашлар, изтироблардан иборат эканлигини, ҳеч қачон тушқунликка тушмай яшашини, ўз соғлиғини асраши кераклигини тушунтирдим.

Азиз мулло! Орангизда Ҳадича отага ёрдам қилиш чўмочи бўлган инсонлар бўлса тахрир-ята муражаат қилишсин. Имкони йўқ мухлисларимиз ушбу ҳикоямиздан сабоқ чиқариб, атрофдаги шунга ўхшаш воқеалар ҳақида икки қатор мактуб йўллашса ҳам бошимиз кўка етади.

ЧИРОЙЛИК ЭКАН!

Ҳамма қатори ишга бориб ишдан қайтишни орзу қилиб яшайлман. Ахир она бўлиб болаларимни бирор марта боғчага олиб бориб қилишга ҳақим бўлиб қилишимизнинг уйлаялман-да. Ахир болалиқдаги ота-она билан ўтган ҳар бир қувончли лаҳзалар улар кексайғунича ҳам ёдидан қолади-ку.

Уч йил бўлди овсиним бор. Лекин ҳозиргача унинг фарзанди йўқ. У жуда эзилиб, сиқилиб, баъзан йиғлайди. Мен унча жуда ачинаман. У ҳам даволаниши учун врачларга бориши керак. Зарур бўлса касалхоналарга ётиши керак. Мени-ку, болаларим бор, шулар билан андармон бўламан, у-чи? Умири шундай ўтиб кетаверадими?

Ҳамма қатори ишга бориб ишдан қайтишни орзу қилиб яшайлман. Ахир она бўлиб болаларимни бирор марта боғчага олиб бориб қилишга ҳақим бўлиб қилишимизнинг уйлаялман-да. Ахир болалиқдаги ота-она билан ўтган ҳар бир қувончли лаҳзалар улар кексайғунича ҳам ёдидан қолади-ку.

Уч йил бўлди овсиним бор. Лекин ҳозиргача унинг фарзанди йўқ. У жуда эзилиб, сиқилиб, баъзан йиғлайди. Мен унча жуда ачинаман. У ҳам даволаниши учун врачларга бориши керак. Зарур бўлса касалхоналарга ётиши керак. Мени-ку, болаларим бор, шулар билан андармон бўламан, у-чи? Умири шундай ўтиб кетаверадими?

Ҳамма қатори ишга бориб ишдан қайтишни орзу қилиб яшайлман. Ахир она бўлиб болаларимни бирор марта боғчага олиб бориб қилишга ҳақим бўлиб қилишимизнинг уйлаялман-да. Ахир болалиқдаги ота-она билан ўтган ҳар бир қувончли лаҳзалар улар кексайғунича ҳам ёдидан қолади-ку.

Уч йил бўлди овсиним бор. Лекин ҳозиргача унинг фарзанди йўқ. У жуда эзилиб, сиқилиб, баъзан йиғлайди. Мен унча жуда ачинаман. У ҳам даволаниши учун врачларга бориши керак. Зарур бўлса касалхоналарга ётиши керак. Мени-ку, болаларим бор, шулар билан андармон бўламан, у-чи? Умири шундай ўтиб кетаверадими?

Авалло қиз туғилса бахти-саодати билан туғилсин экан. Бахтли бўлиш афсуски, ўз қўлимизда эмас экан, албатта бу менинг наздимда.

Хурматли Ойсулув опа! Хоҳ сиз хотта бўлинг, хоҳ қишлоқи бўлинг, ҳатто қайси миллатга мансублигингиздан қатъий назар, бахтли бўлиш ҳуқуқидан маҳрум эмассиз. Сизни тақдирномангиз ҳар бир юрагида ўти бор одамни бефарқ қолдирмайди. Ахир, сиз биринчи бахтин-

кўпайиб кетмоқда Ҳа, албатта ўз оиласи, яъни хотини касал, беш-олпига фарзандни боқиш, ҳам моддий, ҳам маънавий руҳлантириш уларни, бекаму-қўст улғайтириш керак, бу осон иш эмас. Албатта, ўз бошини олиб қочиб кетадиган баъзи эркакларни гурури, обрўйи, орияти неча пулга тенг бўларкин?

Ойсулув опа! Сиз ҳеч ҳам ғам-ғуссага, аламга ботманг! Сабр-бардошлар, матонатли бўлинг. Ахир, билсангиз дунёни мардлар, яхшилар ушлаб турибди.

Сиз мард, дардни энга оладиган гурурли аёл бўлинг. Оллоҳ ўзи сизга тасодифан қутилмаганда, фарзандларингиз ризқ-насибасини, омадини ҳада этади, десам ишонверинг. "Сабр таги - сариқ олтин". Уша номард эрингизни изламанг, ортидан борманг, бир қуни уша номард кексайиб, хор бўлиб келиб, остонангизга бош уриши бор. Унақа эркакларни кўпи, хор бўлгач, кексайгач, кўзи очилади. Бу ҳаётда синалган.

Беморман, деб, ётаверсангиз касалингиз ортадики, камаймайди. Ҳали кўп яхши кунлар сизни кутмоқда. Ҳаёт курашдан иборат-ку. Оталаридан тирик етим қолган фарзандлар сиз ётиб қолсангиз, ҳоллари не кечади. Дунёда яхши одамлар кўп, беминнат ёрдам қиладиганлар балки топилар. Аввало худо ўзингиздан қўймасин.

Ёки бирор "хурмача қилиғи" билан ёки "тили" билан кўнгил қолдирадиган пастрлар, ноинсофлар кўпайиб, юрагингизга тиг урадиганлар, алдаб, бирор манфаат юзасидан хушомад қиладиганлардан ҳушёр бўлинг. Ким бўлганингизда ҳам аёلسиз, онасиз - сиз фарзандларингиз ун оёққа туриб кетишга мажбурсиз. Қурба - ёстигингизни йиллаштиринг. Сизни оғир ахволда ташлаб кетган кўрнамас, сизни толейингиз-у, омадингизни қуриб лол қолсин. Фарзандларингиз келажагини ўйланг. Бу кунлар ўтиб кетади. Ҳар бир оғир кун ёки оғир кўргилик сизга, бизга, ҳеч кимга мангу эмас. Ёмон кун ортидан яхши кун келиши муқаррар. Шунинг учун сиз ҳаракат қилмасангиз, бу кўрқоқлик, ноумидлик белгисидир. Ахир, дунёда фарзандга зор аёллар неча? Келгусидаги ҳаётингиз ҳақида ҳам билишни истаб қоламан.

Мухайё БЕРКИНОВА

Жиззах шаҳри

# ФАРЗАНДАГА ЗОР

"Дардманд аёлнинг ҳасрати" - 46-сон

**ЭСЛАТМА:** Ўқшшни битириб туманда ҳисобчи бўлиб ишладим. Восит деган йигит 1-2 бор гаплашди-ю, охири учинчи кунни олиб қочди. Биз томонда удум шунақа. У билан уч йил-у 7 ой яшадик. Эрим хасталаниб оламдан ўтди. Кейин мендан 12 ёш катта Воҳид ака билан тақдирим қўшилди. Эрим ичиб келар ва мени дўппосларди. Ҳозир менинг иккита ва ўзининг тўртта боласини менга қолдириб бошқага уйланиб кетди. Мен нима қилай одамлар?

Нурбек Раҳим

# АЁЛЛАР ҚАНЧА?

гиз билан бахтли бўлмабсиз, иккинчи бор бахтга интилиб, орзу, умид билан турмуш қурган бўлсангиз бунинг нимаси ёмон. "Ҳар ким ҳам "ёлғиз"ликнинг "Оғир тоши"ни кўтаравормайди.

Ҳа, албатта ёлғизлик жуда ёмон. Сиз ёлғиз яшайдан беэҳтиёт турмуш қурдингиз, бу одам билан ҳам бахтли бўлаолмаганлигингиз нақадар аянчли ҳол.

Уша Воҳид акангиз ўта номард, ҳатто ориятсиз, гурурсиз одам эканлиги кўриниб турибди. Яна устига-устак маст бўлиб, жанжал қилиб, сизни калтаклашига бало борми?

Бу ҳам етмагандек, сизга яъни, ногирон аёлга олти болани ташлаб, ғойиб бўлиш ва уйланиб олиши бу эркакликни қайси бир гурури-ю ориятлига тўғри келадиган ҳол. Виждон деган тушунчани умуман ёзмайман, чунки у одамда виждон деган нарсанинг ўзи йўқ. Виждонли одам бу қалар тубанликка юз тутмайди.

Азиз мухлис! Ҳозирги вақтда Воҳид акага ўшаган "қиёфа"лар жуда

ган. Шунга унинг жаҳли чиқиб, оғзига келганини қайтармайди:

Бунинг ўрнига эр: - Шимимга дазмол урдингми, онажониси, - деса бўлади-ку.

- Ҳозир, адаси, дазмол қилиб бераман, чақалокқа қараб

туринг, - дейди у ҳам.

Бундай савол-жавоб оиланинг аҳиллигини англатади.

Хотин билан ўзаро муносабатларда унинг тинчли-

# МУРОСА ҚИЛГАН МУРОСА СТАР

нинг тумтайиб қолади. Пайти келганда ўша гапнинг учини олиш пайида бўлади. Айниқса нозик пайида. Уйга меҳмон келганда. Шунинг учун хотинни жиғига тегиб, фойда топаман, деб ўйлама. Унинг тинчи бузилади. Сен хотининг билан шунча йил яшадинг, унинг феъли характери сенга маълум. Унга қандай гап ёқади, қандай гап ёқмайди, буни яхши биласан. У билан аҳил-тотув яшасанг бўлади-ку, жаҳлини чиқармасдан. Ҳаётда ҳар хил ҳолатлар бўлиши мумкин. Масалан, эр кўрадики, шим дазмол қилинма-

**ЭСЛАТМА:** Эрим бўлар бўлмасга ҳақорат қилади. Ўртоқлари келганда чой киритсам нимага чой киритсам деб ҳақорат қилди. Иккинчи чой киритсам: «Нимага чой киритмадинг», деб тарсаки ишгит юборди. Қўнғироқ қилан дирида қандайдир ўхшашилик бор. Сиз бунга нима дейсиз, азиз мухлис-лар.

**Т.НОРИМОВ**


Хурматли синглим Сайрамхон! Сиз 78 ёшда экансиз. Мен 80 ёшдаман. Сайрамхон, сиздан озгина бўлса-да, ҳаттолик ўтган. Сиз кўпроқ айбни ўғлингизга юклагансиз. Ўғлингиз набирангизни уйлантирибди. Сизни тўйга так-

етказиб севган қизига уйлантиради. Онанинг ёши ўтиб қолган, келин ўғлини онасига йўлатмай қўяди. Овқат ҳам бермайди. Бундан изтиробга тушган аёл зор-зор йиғлаб, ўғлини сизга ўхшаб қарғашга тушади. Берган оқ су-

# КАТТАЛАР

лиф қилмабди. Лекин келинингиз айтибди-ку. Келин - **ЭСЛАТМА:** Бировнинг рўзгорини "қоронгу" дейишади. Эҳтимол, чирчиқлик Сайрам, ҳоланинг оиласида ҳам унинг кекса қалбини изтиробга солган воқеа содир бўлгандир. 78 ёшли кампирни кўчага чиқарган ташвиш нима экан? **Басира САЙДАЛИЕВА**

"Ўтмишда яхши гаплар қолганида эди" 43-сон



нинг айтгани ҳисобга ўтмайми? Ўғлингиз айтмаган тақдирда ҳам ўзингизни билмасга олиб: "Ўғлим, тўйингиз кутлуғ бўлсин!" деб битта рўмонли келинингизга, битта қийқини ўғлингизнинг елкасига солиб: "Хайрият, мен ҳам набира келин кўрдим!" деб тескари-тескари фотиҳа қилиш ўрнига-ўнг фотиҳа қилиб, пешонасидан ўлиб қўйганингизда эди... Балки ўғлингиз хурсанд бўлармиди? Ҳеч вақт фарзанд онани хўрламайди-ку. Сиз озгина адашгансиз. Чунки катталар кечиримли бўлиши керак. Ҳали булар нимани кўрибди-ки, сиз хафа бўласиз? Бизнинг ёшимизга боргунича нималарни кўрмайди, дейсиз. Келин ҳам фарзанд-ку, уни айтгани ўрнига ўтмадимми? Сиз фарзандларингизни боқаман деб, бир уйли-жойли, оилали одамни уйингизга олиб келиб ишлатибсиз. Ундан бир ўғил ҳам кўрибсиз. Ўша одамнинг оиласи, уй-жойи бўлмаганда сизнинг ишингиз - савоб иш бўлар эди. Сиз савобни саробга айлантгансиз. Ўғил бола эси кирганда рашкчи бўлади. "Буни ўғилларим катта бўлса, қандай айтаман", - деб ўйламагансиз-да. Майли, энди бўлар иш бўлибди. Мен ўйлайманки, ҳали ҳам ўғлингизни кечириб, қарғиши доғга алмаштириб, ярашишингизни истаيمان. Ўғлим, сиз ҳам онангизни кечиринг. Она қарғиши ёмон бўлади, розилигини олинг, онангиз кечиради. Мана бу ривоятни эшитганмисиз? Бир ёлғиз аёл биргина ёлғиз ўғлини воёга

Нарсаларини кўтара бозорда тез-тез арзон-гаровга сотишиб уйларига қайта қолишади. Аёлларда! Анчагина нарсаларни харид қилиб бўлиб укамга юзландим: "Яна нималар қолди?" десам, укам: «Вой, опа» олмаларни олмапмиз-ку", деб қолди. Ёмғир шаррос қуяр, барча сотувчилар қўлларига сямбон билан ҳам ўзларини, ҳам махсулотларини ёмғирдан панароқ қилишга ҳаракат қилишарди. Укам уларга ачиниброқ қараб: "Қаранг опа, бола-чақани боқаман, деб турган аёлларни. "Бугун уйимга бир сўм пул топиб олиб бора олармиканман?" - деб шу ёмғирларга чидаб совуқларни писанд қилмай туришибди-я", - деди. Шу пайт кўзим сал нарироқда катта тоғорага сап-сарик олмаларни териб савдо қилаётган аёлга

уйга қайтиш учун бекатга келдик. Ёмғир ҳеч тинай демасди. Бизнинг тарафга келадиган автобус тикилиш бўлиб бекатда тўхтади. Укамга кейингисида кета қолайлик десам, унамади. Йўлда одамлар анча сийрақлашгандай бўлди-ю, барибир анча йўловчилар тик оёқда эди. Шу пайт олд ўриндиклардан бирида ўтирган боғай ёлғончи харидор аёлга кўзим тушди. Унинг олдида бир-икки сумкалари, тиззасида целлофан пакетлари бор эди. Укамга секин имо қилиб ҳалиги аёлни кўрсатдим. Укам бироз аччиқланди: "Ха ярамас-а, хотиржам ўтиришини қаранг-а, ҳозир бориб бир таъзирини бераймикан-а", деди. Мен жанжал чиқиб кетишдан кўрқиб: "Кўя қол, тингична кетайлик, то-ниб турса нима қиласан. Ойимлар айтганларидек, тепада Худо бор, ҳар нар-

## ҚАЙНОНА-ҚАЙНОТАМИЗ-ФАХРИМИЗ

"Оила ва жамият" газетасини қайнотам ҳар бир сонини ўқиб борадилар. Бизлар тезроқ ўқиб бўлсалар-у, биз ҳам ўқисак деб сабрсизлик билан кутишимиз. Ўқиб бўлганча, "йиртмай, ифлос қилмай ўзимга қайтариб беринглар", деб тайинлайдилар. Мана, Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридан келин бўлиб тушганимга ҳам қарийб 15 йил бўлди. Бир қиз бир ўғлим бор. Иккаласи ҳам аъло баҳоларга ўқишади. Қайнотам кекса педагог, ҳозир пенсияда, рўзгорга бошқош бўлиб юрадилар. Қайнонам қарийб қирқ йилдан буён, ўзи ўқиган собиқ 25, ҳозирда 79-ўрта мактабда, бошланғич синфларни ўқитиб келяптилар. Ўқитувчининг иши нақадар машаққатли эканлиги кўпчилиқка аён. Кунду-

зи ишлаб, мактабдан келгач, уй ишларига киришиб кетадилар. Мен бўлсам боғчада ишлайман. Уйга кеч келсам, қайнонам набираларига дарс тайёрлаётганини кўраман. Ҳозир кўзалари унчалик кўрмайди. Доимо дўхтирга бориб қўз нурини текширтириб бўзойнак олам дейдилар-у, 40 йил бўлибдики, қант қилимайдилар. Мактабда хотин-қизлар ўртасида ёши улуғи ҳам шу киши. Мактабда обрўйи жуда яхши. Икки ўғли бор, иккаласи ҳам она-сини жуда ҳурмат қилади. Биз- келинлар «энди ишланган 40 йил ишладингиз», десак, «Мен мактабсиз, болаларсиз, тура олмайман», дейдилар. Қайнонам биздан «неча сўм ойлик олдинг», - деб сўрамайдилар, қаттиқ гапирмайдилар ҳам. Бирон жойга бора-

лик десак, «Эрларингдан сўранглр-да боринглр», дейдилар. Узалар бўлса набираларини олиб қоладилар. Шуни айтаман-да, ўзинг яхши бўлсанг, олама яхши деб. Бахтимизга қайнонам доимо соғ-бўлсинлар. Қайнотам билан турмуш қуришганига 40 йил бўлибдики, бир-бирларига қаттиқ гапиршганини эшитмаганимиз. Қайнонам-онам бизни сизлаб қақирадилар. Уларнинг вақтида чойини қайнатиб олдиларига қўйиб биз келинларга ҳам қарз, ҳам фарз. Вақти келиб биз ҳам қайнона бўламиз. Биз қайнонам Кўчиева Ойдиной ва қайнотам Низомов Жўра билан фахрланамиз.

Моҳира РАИМЖОНОВА

Самарқанд вилояти  
Пайарик тумани

Эл Мурод  
Тошкент



Халқимиз орасида "Қайтар дунё" деган гап кўп айтилади. Момоларимиз: "Худойим хўп чевар-да, авваллари яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қирқ йилда қайтар эди, энди қирқ кунда қайтапти", деб қўйишади. Биз тарихларда падарқушлик қилиб, 6 ойдан сўнг ажал бўзидан тутган шахзоларни биламиз. Қажри, қаттолғи ўзига эмас, бутун бошли миллатига машаққат бўлиб қайтган воқеалар ҳақида ҳам ўқиб, эшитганмиз.

Лекин ўзингдан узоқ рўй берган воқеа-ҳодисаларнинг барибир ҳам узоқлиги бўлади. Қанчаси рост, қанчаси... деган шубҳа бир марта бўлсада кўнгилга келади. Ўзингнинг яқинларингдан эшитганинг, ўз кўзинг билан кўрганнинг бошқача...

Онам бир воқеани айтиб бергандилар. Ўқитувчилигида мактабларига доим бир йўлдан катнар эканлар. Қиш. Қорли кунларнинг бирисида ишга кетаётсалар ёшроқ бир аёл кекса аёлни турткилаб, олдига солиб олиб кетаётган экан. Разм қилиб қарасалар - мактабдошлири Санам экан, кексароқ аёл - онаси.

Онаси онамга: "Дод, мени кўтқар, эрталабдан кўчада олиб юрибди", деб ёпишибди. Оёғига яланг қовуш қийган, ичлари қорга тўлиб кетганмиш.

- Сени нега худо урди, Санам? Ўз онанганга... - деб онам кампирини сузб мактабнинг қорувлохонасига етаклабди.

- Онами шу? Рўзғоримни буетди. Ўз уйида тинчгина ўтирса бўлмайдими? - деб вайсаб қўлибди Санам опа орқасидан. Йиллар ўтди. Яна бир қишнинг қорли куниси онам ишга кетаётсалар худди Санам опа онасини турткилаб ҳайдаб бораётган жойдан ўғли қадам нари ё берида бир йигит бошланган, сочлари ёйилган аёлни қувиб бораётганмиш. Қарасалар, Санам опа, унинг ҳарбийдан уйланиб қайтган ўғли.

- Ҳой, болам, уят, ўз онанг-а... - дебдилар онам ва Санам онани мактаб қорувлохонасига бошлабдилар.

- Э, ўртоқ муаллим, она деган боласининг тинчини ўйламайдими? Нима бўлсам, ким бўлсам, - хотиним, қорнида боласи бор. Ҳеч икковимизга кун бермайди, - дебди йигит. Онам бир пайтлар уни ўқитган экан.

- Вой, тавба! - деб ёқани ушлардилар доим онам: - Худойимнинг қудратини қара. Қор ҳам ўша, йўл ҳам ўша.

Айтилган сабаб-баҳона ҳам ўша. Қайтар дунё, деганлари бор гап, болаларим. Фақат яхшиликни қилиб, яхшилик ўйланглр!

....Маҳалламизда Ибодулла деган йигит бўларди. Камбағалдан бойиган. Босар-тусарини билмай қолди. Зулфия исми аёли бор эди, богчада ишларди. Тили ширин, пазанда келинчақ эди. Ибодулла олди-сотдига шахарга қатнаб юриб, ҳамкор ошноларидан бирининг синглицига илашибди.

- Беш-олти кун уйга олиб келиб, турмасам бўлмайди. Акаларининг қаҳри ёмон, судга беришса, қамалиб кетаман, - деб Зулфияни алдаб-сулдаб икки кўзмунчоқдай қизалоғи билан онасиникига жўнатибди.

Ўзи ими-жимидда тўй қилиб шахардик Гулмирага уйланди, бола-чақа килди. Зулфияни қайтариб уйга олиб келишмади... ўрганган хунар ўлганда қолар, деганларидай, Гулмираддан кўрган ўғилқизлари бўйи чўзилиб қолган пайтлари маҳалламизда "миш-миш" тарқалди:

- Ибодулла Нурмат раиснинг тоқ уриб ўлган ўғли Рустамнинг беваси билан дон олишиб юрганмиш.

Дам ўтмай "миш-миш"лар чинга чиқди. Рустамнинг ота-ониси пайт пойлаб Ибодулла билан келинларини тутиб олишибди ва тонг сахарда бир бўгча қийими билан Ибодулланинг уйига олиб келиб ташлашибди. Бу ҳаётда нималар бўлмайди, аммо мен бир нарсга ҳайрон қоламан. Зулфиянинг (биринчи хотин) икки қизалоғи билан уйдан кетишига қайсидир даражада сабаб бўлган (иккинчи хотин) - Гулмиранинг уйига тонгда бир бўгча қийим билан келган кундошнинг исми (янги хотин) Зулфия эди!

Бутун маҳалла гапирган эди шуни: - Исмигача бир хиллигини қаранг, Худойим: "Ҳамма нарса қайтади!" - дея кўзимиз олдида катта қилиб ёзганида бу... дейишарди.

Ҳа, ҳамма нарса қайтади. Ўзингиз бўлмаса фарзандингиз, унга бўлмаса неварангизга...

Бу дунёнинг азалий, абадий қонунлари кўп. Кўпинча биз уларни жўнлаштириб мақол, ҳикмат деб атаймиз.

"Нима эксанг, шуни ўрасан", деб қўямиз.

"Қайтар дунё" ҳам худди шундай қонуният...

Қутлибека РАХИМБОВА

Мамарайимнинг уйдан 4-5 ойдан бери совчиларнинг қадами узилмади. Бугун ҳам бир бойвачадан совчи келди. Келган совчиларни қайтаравериб чарчаганданими, ёки унинг бойлиги кўзига иссиқ кўриниб кетди, хартугул бир-иккита қарияларни йиғиб нон ушатиб қўйишди.

Мамарайим халққа катта тўй бериб, ўзининг кимлигиниям кўрсатмоқчи ва шу орқали обрўини бироз тиклаб олмақчи бўлди.

Эгнида ювлавверганидан ранги ўчиб кетган устим-шим, бошида эски шляпа, оёғида уч тошга тегавверганидан текис бўлиб қолган туфлисини кийиб олган Мамарайим "оёғи куйган товукдай" типирчилаб қолди. Чунки у энди тўй қилиши керак. Қилганда ҳам "бўлдимми, ҳа бўлди", эмас, етти маҳаллага донғи кетадиган тўй қилиши керак.

- Мирсодик, ўзинг биласан, тўй бошлаб қўйганман, шунга озроқ етмай турувди, - деб қолди у бир кун дўстига. Дўсти ҳам мард келиб, айтганини берди. Шундан сўнг Мамарайим ўзиникидан ташқари, яна қарз олгани етмаганидек, бошқалардан ҳам қарз кўтарди.

- Мамарайим, бу ишларни бекор қила-

ажабланди-ю, кимлар эса хасаддан ўла-ёзди. Мамарайим даврани тарқ этаркан, у яна бир бор одамларга димоғдор ҳолда қараб қўйди. Шундай қилиб, дунёда яна бир оила кўпайди. Бу оиланинг пойдевори муҳаббатданми ёки мол-дунёдан қурилганми, буниси ёлғиз худога аён.

Мамарайимнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Уч кун ўтмасдан қарзини сўраб қўшниси Эгамқул чиқди. Мамарайимнинг "кейинроқ берармиз" деган гапини эшитди-ю, "тарзуи қўлтигидан тушган" ҳолда қайтиб кетди. Ана шундай қилиб қарзини сўровчиларининг оёқ товушлари Мамарайимнинг уйи остонасида тез-тез эшитилиб турарди.

- Мамарайим, мана бир ой ҳам ўтди. Инсоф қилиб, бир ой чидадим. Пулни бермасанг бўлмайди. Мен ҳам иморат бошлаб қўйганман, - деб қолди бир кун дўсти Мирсодик, Мамарайимнинг эса иложи йўқ.

Ўлганнинг устига тепган қилиб, тез орада қизи ҳам йиғлаб кириб келди. Айтишчи, кўёви "наркаман" эмш. Уч ойлик келинчақ отасининг уйдан паноҳ топди.

Мамарайим пештоққа қараб ўйлай бошлади. - Бу қарзларни-ку узарман. Лекин банкдан олган кредит нима бўлади. Ун-



япсан. Энди бир қизинг-ни узатаяпсан, қолган фарзандларингни ҳам ўйла, - деб қолди бир кун маҳалла раиси.

- Э, раис бува, тўй ҳар куну ҳам бўлавермайди. Қолаверса, эл олдида ўзимизга яраша обрўймиз бор, - деб кинояли илжайди ва қўриб қўй дегандек бир донагина тилла тишини кўрсатди.

Тўй, ҳамма хурсанд. Мингга яқин кишига мўлжалланган дастурхонда "Анқорининг уругидан" бошқа ҳамма нарса муҳайё эди. Ноз-неъматлар, турли ширинликлар, чет элнинг аллақандай номдаги турли спиртли ичимликларини эса айтмаса ҳам бўлаверарди.

Бир томонда машур қўшиқчилар келинқувининг мадҳига, қўшиқ қуйлашар, раққоса хиром қилмоқда. Мамарайим ўзини берилиб қўшиқ айтаётган қилиб кўрсатаётган қўшиқчининг ёнига келиб, бели синмаган "кўк"дан ҳавода айлантира-айлантира чўнтагига тикди. Бу ҳол қайта-қайта такрорланди.

Тўй айна қизиган пайтида келин-куёвни табриклаш учун сўзни Мамарайимга беришди.

- Сизларга бахт-саодат тилайман. Уваллжували бўлинглар, - ҳали гапи тугамасдан чўнтагидан аллақандай қалит чиқарибди.

- Арзимаса ҳам мана шу "Тико"ни қалитини топширсам, - деди-ю, қалитни қувининг қўлига тутқазди Бу ҳолатта кимлар

дан қандай қутлуғаман? - Мамарайим қувига совға қилган "Тико"ни олаётганда, банкдан озроқ кредит олган ва шу кредитни ҳам қўшиб машина олган эди. Мамарайим биринчи марта қалпоғини бошидан олиб, қилганлари бемаънилик эканлигини англади. Кўёви эртага пули қолмаса, машинани ҳам сотиб юборишдан қайтмайди.

- Мамарайим, мен сенга нима деган эдим, мана ўйламай қўйган қадамингни натижасиз. Қолган болаларингни ҳам уйлантиришинг, чиқаришинг керак. Обрў қизингни кўр қилиб қўйди, - деб қолди бир кун маҳалла раиси. Шундай ҳам сикилаётган юрагини баттар сикаётгани учун маҳалла раисига "энангни" деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ниҳоят касалхонага тушиб қолди. Чунки бўлиб ўтган руҳий сиқилишлар туфайли унинг қон босими тез-тез ошадиган бўлган, баъзан ҳўшдан кетиб қоларди. Мана унинг касалхонага тушганига ҳам бир ҳафта бўлди.

Мирсодик азонда бир юмуш билан кўчага чиққанда, кимингидир машина билан қаёққадир қақириб юрганигини эшитиб қолди. Эшитди-ю, тахтадай қотиб қолди. Унинг қулоғи остида ҳали-ҳали ўша сўзлар кетмас эди.

- "Мамарайимниқига жанозага"...

**Фарҳод ЭШМУМИНОВ**  
ЎЗМУ журналистика факультети  
II-курс талабиси

Айтишадики: "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин", деб. Бу бежиз эмас. Бизниқига аёллар тўпланишиб қолганида улар кўпроқ ўз турмуш муаммолари, ўқиган китоб ёки рўзномалари ҳақида фикр юритишади. Ғийбатлардан ҳоли ажойиб гуруннинг гувоҳи бўласиз. Ўткир Ҳошимовнинг "Дафтар хошиясидаги битиклар" китобида шундай ёзилган: "Кўп ўқисанг, кўп уқасан, кўп ўқисанг, ҳамма нарсани тушунувчи доно бўласан. Доно бўлсанг яшаш мураккаблашади". Уйимизда 200 дан ортиқ китоблар, юзлаб рўзномалар мавжуд. Уларнинг ҳар бири инсон учун бир мактабдир. Ойим

**ОДАМИЙЛИК ЎЛМАСИН** хузур қиласиз. Мақсуда опаннинг бир нечта мақолалари "Оила ва жамият"да чоп этилган. Оля опа, Гулмира опа, Башорат опа, Юлдуз опалар... Яқин дўст ва дугоналар... улардан руҳинг ором олиб, дилнгар равшан тартади. Яхши-ёмон кунларда, бор-йўқликда, соғлик ва беморликда бир-бирларига сўянадилар.

Бир кун айвонда дам олиб ўтирган ойимнинг йўқлаб узоқ бир танишимиз келди. У аёлни яхши танийман. Жағи-жағига тегмай гийбат қилиб, ёлғонларни тўқиб ташлайди. Сўхбатдоши қалбига ҳам тиг санчади. Тигдан қолган асоратдан қалб синеди, кўнгил йиғлайди. Узини

меҳрибон қилиб кўрсатиб қариндошинг, яқининг бўламан, ҳеч қачон беғоналар дўст бўлмайди, дея огир дамларда сени унутган қариндошини ким деб аташ мумкин? Менинг онагинам шеърятни жуда севади. Ғазалларни севади. Орзулари армонга айланиб шоира бўлишни истатаган онажонимга ушбу мақоламни тўх-ға этгим келди... Оллоҳ бизни ҳеч қачон меҳр-муҳаббатдан, одамийликдан айирмасин.

**Муҳаббат НуриДДИНОВА**  
Навий вилояти  
Зарафшон шаҳри  
8-ўрта мактаб

# ҚўЛЛАРИНГИЗГА ЭЪТИБОР ҚИЛИНГ



**Қўлларингиз териси узок пайтларгача майин ва мулойим бўлиб қолишининг фақатгина бир йўли бор – у ҳам бўлса, қўллари синчковлик билан доимий равишда парвариш қилиб туришдир. Бу борада эриниш ярамайди. Сир деб қўлингизга айтايлик – айнан қўллар қилишининг хақиқий ёшини фош қилиб кўяди.**

Қўлларга – ҳар куни биз идиш-товок, пол, деразаларни ювадиган “кимёвий” воситаларимиз зарар кўрсатади... Иккинчи ўринда эса – бог-поллиз ишлари туради. Ахир, афсуски, биз кўпчилигимиз боғда ишлаган чоғларимиз камдан-кам ҳолларда қўлимизга резина қўлқоп кийиб оламиз. Кондиционерлар ва иситиш тизимларидан чиқаётган қуруқ ҳаво-чи? Кимда-ким ана шу сунъий ҳавонини қўлларим териси учун малҳам деб ўйласа, жуда-жуда хато қилади. Ёз таътилини ўтказиш шу жиҳатдан қараганда, сизга кўпинча арзонга тушмайди. Сиз ҳордигингизни чиқардингиз, кўёшга терингизни тутиб, тобладингиз, қишлоқдаги дарёда роса чўмилиб, тоза қорайдингиз... Кискаси, дам олиши – уйдасидан чиқдингиз. Лекин қўлларингизга бир қаранг – териси буришиб қолибди, қарибди, қуруқшаб, қаттиқ бўлиб қолибди, ҳар хил доғ-дуғлар, қадоқлар пайдо бўлибди. Энди нима қилиб бўлмасин, қўллари асл ҳолига қайтариш керак.

## АЙНИ ҲАҚИКАТ

- Қўлларингизни илик хона ҳароратидаги сув билан ювинг, совуқ сув терини қуритади, қайноғи эса – ёғсиз қилиб кўяди.
- Қўл ювиш учун кислота миқдори pH 5,5 даражадаги атир совун ишлатинг. Яна ҳам маъқули намлантирувчи моддалар билан бойитилган қўл ювиш воситасидан фойдаланиш.
- Ҳар қўл ювганингиздан сўнг (биз кунда 10-12 марта ювамиз) қўлларингизни қуригунча артинг.
- Қўл ювиш, уй йиғиштириш ва ҳоказо ишларни қўлга резина қўлқоп киймасдан бажарманг.
- Боғчангизга шолча тўшамокчимисиз, қуриган шох-бутуқларни йиғиб, ёқмоқчимисиз, ерни қавлаб, гул ёқмоқчимисиз? Унда қўлингизга пахмоқ қўлқоп кийиб олишдан эринманг. Бундай қўлқоплар турли яра-чақалар, қадоқлар, инфекция тушишидан сақлайди.
- Қўлларингизга мой-упа суркашни унутманг. Бу муолажа учун таътил ҳам, хордик қунари ҳам, танафус ҳам йўқ. Мой-упани кунига камида икки марта

жуд бўлади.

■ Кафтларнинг тескари томонида деярли кучли безлар бўлмайди, шу тўғрисида қўлнинг нормал ҳолатида қуруқ тери учун мой-упани дадил танлайверинг (айниқса йилнинг совуқ фаслида) –

терини қўшимча равишда озиқлантириш ва намлантириш фойдадан ҳоли эмас.

- Аввалдан қўлларингизга доғ тушишининг олдини олиш учун айниқса таъсирчан бўлган тери учун ва 30 ёшдан кейин йил мобайнида УФ-филтрли мойуналардан фойдаланинг.
- Қўлингизга ҳар гал мой-упа суртганингиздан сўнг албатта силашни-массааж қилишни унутманг. Қўлларингизни силашни сиртидан бошланг. Айланасимон ҳаракатлар билан қўлларингизни бири-бирига артинг. Сўнгра алоҳида-алоҳида бармоқлар учидан тортиб кафтларингизни худди қўлқоп киядигандай массааж қилинг. Шундай қилсангиз, қўлларингиз майин, бўғинлари ҳаракатчан бўлади. Тери эса қўшимча озиқ моддаларидан озиқланади. Яна бир жиҳат ҳам бундан кам аҳамиятга эга эмас: кафтларингиз сирти акупунктур нукталар билан бутунлай қопланган бўлади. Бу нукталарга таъсир қилиш билан қон юришишини тезлаштираманг, асаб тизими фаолиятини яхшилайсангиз.
- Бу қилган барча саъий ҳаракатларингизга қарамай қўлларингиз барибир

сурканг, яхшиси, қўлларингизни ҳар ювганингиздан сўнг мой-упа суриб, массааж қилинг.

■ Терининг саломатлиги ва ташқи кўриниши об-ҳавога боғлиқ. Ҳаво қуруқ келса, тез-тез ўзгариб турса, шамол-изгиринда тери қизариб кетади, дағаллашади, ажинлар пайдо бўлади. Қўлингиз терисини текислаш учун сиз ишлатадиган қўл мой-упаси намлантирадиган бўлиши керак. Бундай воситалар таркибида, қоидага кўра, мураккаб биологик фаол субстанциялар: ёғ экстрактлари (мойчечак, алоэ), намлантирадиган мойлар (авокадо, какао, чой дарахтининг мойи), витаминлар, глицерин, ёғ компонентлари мав-

қуруқшоқ бўлиб қолаверса, нима қилиш мумкин? Агар шундай бўлса, қадимий бир усулни қўланг: ухлаш учун ётиш олдида қўлингизга қалин қилиб озиқлантирувчи мой-упа суринг-да, пахмоқ қўлқоп кийиб ётинг.

■ Ҳафтасига 1-2 марта қўлингизни маҳсув тозаловчи крем-скраб воситасида ювинг. Скраб таркибидаги, жумладан, ёнғоқ пўчоғидан тайёрланган дончалар, фаол моддалар, глицерин ўлик тери ҳужайраларини тозалаб ташлайди, уни тердан ва чанглардан тозалайди. Бу муолажа айниқса иссиқ компресслардан сўнг фойда қилади.

## ТЕЗ ЁРДАМ

Теридаги ажинларни текислаш, қизарганлигини йўқотиш, қўллари майин қилиш учун гўзаллик салоҳига мурожаат қилинг. Бу ерда сизга косметологиянинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатилади.

## АЛОХИДА ЭЪТИБОР

Афсуски, биз тирсақларимизга мулақо аҳамият бермаймиз. Гарчанд тирсақларимиз териси дағаллашиб кетса ҳам унча ташвишланмаймиз. Тирсақларимиз терисини майин ва чиройли қилиш унча ҳам қийин эмас.

■ Бадан учун

истемол содаси ва суюқ мой қўшилган иссиқ кина 10-15 дақиқалик ванна қабул қилинг. Сўнгра тирсақларга озиқлантирувчи мой-упа суринг.

## ТИРНОҚЛАР ЧИРОЙИ

Ахир тирноқларингиз парвариш қилинмаган бўлса, кийган кийимингиз ҳам хунук кўринади, шунинг билан сизнинг парвариш қилинган нафис тирноқлар нафақат қўлларингиз, балки бутун қоматингиз чиройини кўз-кўз қилади. Сарғайиб, қингир-қийишқ бўлиб ўсган, кир тирноқларга қарасангиз, кўнглингиз озади. Бу тирноқлар эгасининг башбарасига қайрилиб қарагингиз келмайди...

Бу тирноқлар айбини буюёқ суриб, яшириб бўлмайди. Бундай вазиятда сизнинг олдингизда турган вазифа – тезроқ шифокор ҳузурига бориб, ёрдам сўраш. Ахир тирноқлар – бутун тана аъзосининг саломатлиги индикаторидир.

- Оқимтир тирноқлар жигар аъзоси фаолияти бузилганидан дарак беради;
- Бирдангина бир нечта тирноқларда жигаранг доғларингиз пайдо бўлиши баъзида жиддий онкологик касалликлар

бошланаётганидан хабар қилади;

- Қиррали, тўлқинсимон пластиналар қанд диабетда бўлиши мумкин;
- Кўкимтир тирноқлар – юрак касаллиги аломати;
- Аксарият ҳолларда учраб туривчи оқ доғлар моддалар алмашинуви бузилганидан огоҳ этади.

Эҳтимол, буларнинг бари унчалик ҳам хавотирли эмасдир. Яхшиси шифокор ҳузурига борган маъқул – киши шунда бутунлай хотиржам тортади, нима қилиши кераклигини билиб олади.

## ҚўЛДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР

Айтмоқчи, бугунга келиб, тирноқлар парвариши анъанавий бизнинг она-буваларимиз адо этган йўсинларга мувофиқ такомиллаштирилгандир. Бизнинг буваларимиз аввалги қўллари терисини бугга тутиб, сўнгра тирноқларни авайлаб олганлар, майдагина аррача билан текислаганлар, атрофидаги терини юмшатиб, мўйчинок билан олиб ташлаганлар.

■ Тирноғингиздаги эски лакни ўчириб ташлашни унутманг. Ацетонни ишлатманг, ахир тирноқ ҳам тана аъзосининг бир бўлаги-ку. Лак ўчирадиган суюқлик ишлатинг, унинг таркибида мавжуд мой ва бошқа тирноқни мустаҳкамловчи моддалар – сифатдан дарак беради.

■ Агар тирноқ сарғимтир бўлса (бу кўпинча тирноққа тўқ рангли лак билан бўялгандан сўнг бўлади), унга дастлабки рангини лимон шарбати ёрдамида қайтаринг ва оч рангли лаклардан фойдаланишга урининг.

■ Тирноқларга шакл бағишловчи аррача металлдан ясалган бўлиши керак. Бошқача маҳсув картондан ишланганлари тирноққа зарар қилиши мумкин.

■ Аррачани тирноқлар бўйлаб фақат бир йўналишда юргизинг. ҳеч қачон олдинга ва орқага “бираламанг”.

■ Тирноқлар нотекислигини “маҳсув аррача” ёрдамида текислаш мумкин.

■ Тирноқларингизга маҳсув юмшатувчи мой суринг.

■ Орадан 2-3 дақиқа ўтгач, маҳсув антибактериал хоссаларга эга ёғоч қуракча билан ортиқча терини тирноқ остига томон итаринг. Бу ишни авайлаб бажаринг, терини қаттиқ босиб тирноқни нотекис ўсишига олиб келиши мумкин.

Мана, бўлди. Бундай муолажалар тирноқ атрофида ортиқча тери ўсишини тўхтади, тирноққа чиройли ва ушбичим кўриниш бахш этади. Фақат унча олдиндан химоя қилувчи қоплама – лак учун база тайёрлашни унутманг. У, қоидага кўра, таркибида протеинлар, витаминлар, намлантирувчи моддалар, тирноқларни мустаҳкамловчи ва уни қатламлаштиришдан сақловчи моддаларни сақлайди. Бу базани лаксиз ҳам қўйиш мумкин. Улар орасида айни вақтда тирноқларни мустаҳкамлайдиганлари ҳам бўлади.

## Тирноқлар парҳези

■ Айниқса овқатланиш рақсонида таркибида А витамини бор – сузма, сут, жигар, тухум, сарийё, балиқ, ёнғоқ ва сабази каби маҳсулотлар бўлишига аҳамият беринг.

М.АХМЕДОВА тайёрлади.

## ҚўЛ УЧУН МАЛҲАМ НИҚОБЛАР

Жуда қирланган қўлларингизни қаттиқ-қаттиқ ишқалаб ювишга уринманг. Озгина лимон парчаси бу ишни осонгина уддалайди. Бундан ташқари лимон суви терини оқартиради ҳам. Қир қўллари иссиқ тузли ваннада солиб турсангиз ҳам топ-тоза бўлади.

Териси дағаллашган,

қорайган, ёрилган қўлларга иссиқ картошқадан ниқоб қилинг. 2 та картошқани қайнатиб, иссиқ сут билан бўтқа ҳолига келтириб эзинг. Аввало қўлларингизга ўсимлик ёғи суртинг, сўнг тайёрланган ниқобга ботиринг. 15 минутдан сўнг қўлингизни иссиқ, сўнг совуқ сувда ювиб ташланг.

Териси қуруқшаб кетган қўллар учун хом тухум сариғи, 1 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 1 ош қошиқ асал билан лимон сувидан ниқоб тайёрланг. Қўлларингизни аввал қайнатиб пиширилган картошқа пўчоғи сувига озгина ўсимлик ёғи қўшиб ювинг ва тайёрланган ниқобни суртиб дока билан ўраб қўйинг. 2 соат-

дан сўнг иссиқ сувда ювиб, крем суртинг.

Шамолда дағаллашган қўллари тозалаш: Майдаланган арпа геркулес (дўқонларда бор) ва эзилган узумдан бир хил миқдорда олиб бўтқа тайёрланг. Қўлларга суртиб 5-10 минут қўл терисини айланма массааж қилинг. Сўнг илик сувда ювиб ташланг.

Дағаллашган тирсақлар учун бальзам. Апелсин сувини 1/2

стакан ўсимлик ёғига аралаштиринг. Уни тирсақларингизга суртиб (5-10 минут) уқаланг. Қолдигини салфетка билан артиб ташланг. Бу бальзамни музлатиқда 2 ҳафтагача сақлашингиз мумкин.

Тирноқлар мустаҳкамлиги учун тез-тез ванночка қилиб туринг. 1 ош қошиқ тузни 1 стакан иссиқ сувга аралаштириб ана шу эритмага бармоқларингизни 15-20 минутга ботириб ўтиринг.

Д. БЕКЖАНОВА



# НИЯТИМИЗ ИЖОБАТИ Синалган ҳақиқатлар **ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА!**

**Кўпинча ўзимиз ёқтирмаган ишлар билан шуғулланишга мажбур бўламиз. Бундай ҳолларга қўл силтаб: "Ҳаёт шундай бўлса, на илож?," деб кўниб кетаверамиз. Бизнинг "хоҳлайман" ва "шундай бўлиши керак!" ларимиз ўртасида ўтиб бўлмас тўсиқ пайдо бўлаётгандек туюлаверади. Балки бу тўсиқни олиб ташлаш имкони бордир? Келинг, шу хусусда бир фикрлашайлик.**

шошилманг. Асло ундай эмас! Ҳаётимиз яхши бўлмаётганидан ғамга ботиш, тушкунликка тушиб яшаш учун яратилмаганмизку, ахир?!

Аслида шодлик - ҳаётнинг асоси "иссиқлиги". Биз усиз совуқ ва жонсиз нарсаларимиз. Демак, ҳаётимизда ниманидир ўзгартириш керак. Ҳаммасини бошидан бошлаш лозим - душанба кунидан эмас, бугундан, ҳозирроқ! Келинг, ўзингизни бир синаб кўринг. Бунинг учун битта оппоқ қоғозга ҳар кунни сизнинг вақтингизни ва кунингизни оладиган муҳим ишлар ва муаммолар "рўйхати"-ни ёзиб чиқинг.

**Асосийси - ташвишланманг, сиқилманг. Хотиржам бўлинг.**

**4 варақ ок қоғозни олинг, ҳар бирига А, Б, В, Г харфларини белгилаб қўйинг. Кундан кун нима ишлар билан шуғулланганингизни эслаб, лозим топган муаммоларингизни қайси вараққа қайд этишни ҳал қилинг.**

**А** - бу жойга сизни қониқтирмайдиган, мажбуран ва зўрма-зўраки қиладиган ишларингизни ёзинг. Сизнинг назоратингиз чегарасидан ташқари бўлган учрашувлар, ишлар, одамлар ва вазият. Ўзгартириш имкони бўлмаган ҳолатлар ҳақида ҳам. Масалан, сизга об-ҳаво ёқмаётти, аммо уни ўзгартириш қўлингиздан келмайди...

**Б** - бу вараққа сизга завқ-шавақ ва қониқиш келтирадиган

хурсандчиликлар, тетиклик ва оромбахш ҳиссиётлар оладиган манбаларингиз тўғрисида ёзинг. Бирор чиройли буюм тўқиш, телефонда дугонангиз билан гаплашиш, анчадан бери ташлаб қўйган машғулотиңгиз - ўзингизга ёқадиган қўйлакни тиқиб кийишингиз сизга олам-олам қувонч келтиришини алоҳида қайд этинг.

**В** - бу жойга кеча ёки бугун, ҳозирроқ қилишингиз мумкин бўлган, аммо баъзи бир сабабларга кўра, орқага сурилиб келаётган принципал ишлар тўғрисида ёзинг.

**Г** - бу варақ сиз учун эркин қисм. Сизга таллуқли эмаслигини тушунганингиздан сўнг, бошқа сизни ташвишлантирмайдиган вазиятлар ва муаммоларни ёзинг.

Энди биз ҳаётимизда ўзимиз учун ҳақиқий ёки ёлгон, ёқимли ёки ёқимсиз нарсалардан қай бири кўпроқ эканлигини бемалол ажратиб олишимиз мумкин. Бу келажакимизни мукаммал ва бахтиёр қуришимизга ўз таъсирини ўтказсади.

**Натижа ва хулосалар:**

**А** - ёки "Балчиқдаги беге-қомот". Сиз қанча кўп ишларингиз билан юмушингиз энгиллашиб қолмайди. Қанча судралганингиз билан муваффақият эришингиз даргумон. Ортиқча асабийлашингиз ҳам соғлиққа зарар. "Бу вазиятга қандай таъсир ўтказишим мумкин?" деган оддий саволга жа-

воб ҳам тополмайсиз. Демак, бу "юк" - сизники эмас! Тинчланинг, бу бандни "Г" вараққа кўчиринг.

**Б** - ёки "Айёр Багира". Бу вараққа қанчалик кўп бандлар пайдо бўлган бўлса, ўзингизни шунчалар бахтиёр, ҳаётдан мамнун ва хотиржам ҳис қилишингиз мумкин. Худди машҳур "Маугли" мультфильмидаги Багирадек сокин ва айёрон. Мушқисмонлар оиласига кирувчи ҳар бир вақилининг феъли - юмшоқ ва мустақил. Нима учунлигини биласизми? Чунки ҳаётнинг кўп қисмини улар ўзи истаганича ўтказишди. Шундай руҳда ашанинг йўли осон: кўнглингизга ёққан нарсаларни эсланг, душанба кунлари уйқудан аввал сеvimли детектив романлар ўқинг. Бу одатни турли маросимлардан кейинги чарчолардан сўнг амалга ошириш тавсия этилмайди. Унинг ўрнига эрталаб уйингизда эмас, бирорта кафеда овқатлансангиз, бу сизга эрталаб-данроқ хуш кайфият бағишлайди. Хуллас, бир кунда ҳеч бўлмаса ярим соат вақтингизни Б варақда қайд этилган ишларга сарфласангиз, бошқа муаммоларингиз осон ҳал бўлади. Шундай экан, ўз ҳаётингизга қанчалик шодлик ва ёқимлилиқ олиб кириш ўз қўлингизда.

**В** - "На илож! Шундай қилиш керак". Агар бу варақда энг ташвишли ишлар қайд этилган бўлса, демак, сиз ўзингизни

яхши ҳис қилишингиз учун, бир қарорга келишингиз керак. Эртанги кунга қандай юмушларни қолдирдингиз? Телефон тўловларини? Кийимни кимёвий тозалашга бермоқчимисиз? Ишга жойлашиш масалалари бўйича мутахассис билан суҳбатга бормоқчимисиз? Умуман олганда буларнинг барчаси ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетадиган муаммолар эмас. Секин-аста амалга ошадиган бу ишлар, кўпинча кишини асабийлаштиради. Шунинг учун "бугунги ишни эртага қўйма" деган нақдга амал қилинг. Бажаришингиз лозим бўлган юмушларни шу бугун, ҳозирроқ бошланг. Бу унчалик қийин эмас, аксинча, ўзингизда энгиллик ва қониқиш ҳисларини дарров ҳис қила бошлайсиз.

**Г** - ёки "Осмон қалдирғочи". Бу ерда А варақдан кўчириб ўтказилган "tenca тебранмас"лар ишлар жой олган. Уларни жойидан силжитиш учун бутун бошли армия зарур, шунинг учун яхшиси шундайлигича қолдирш керак, ёки уларга қанот бериш керак, хоҳлаган томонига учишин! Елкангиздаги "огир тош" юқингиз қалдирғочга айланган захоти энгиллашасиз, қимматбаҳо қувватингизни фойдали ва натижалли мақсадлар сарфлашингиз мумкин. Афсуски, об-ҳавони, бўйингиз узун ё қисқалигини, ёки хонангиз эни ва бўйини ўзгартириш имконига эга эмассиз. Демак, ҳамма нарса тўғрисида унутасиз ва эркин нафас оласиз, ниҳоят эркинсиз.

Унутмаслигимиз керак! Дунёда биз истамаган, амалга оширишга арзимайдиган, аммо фақат бизга боғлиқ бўлиб турган ишларни қилишимиз зарур бўлиб қолади. На илож! Яшаш керак.

**Хулқар ҲОТАМБОВА**  
тайёрлади

## КИМ ҚАНДАЙ УХЛАЙДИ?

Уйқудаги ҳолат одамнинг гўдак палласида шакллана бошлайди, муттасил такрорланавериб одатий тус олади-да ва қарийб умр охиригача сақланиб қолади. Ҳар бир ки-



шининг ўзига хос ётиш услуби бўлади-ки, бу унинг табиати, касби-кори, турмуш шароитига боғлиқ.

- Осойишта, тинч ҳолат ўз-ўзига ишонган, ишлари яхши юришаётган, хотиржам одамларга хосдир. Бундай кишилар баданини бўшаштириб, ўтган кундан мамнун бўлиб, ёнбошлаб ётади, оёқларини салгина букиб олади. Бир қўлини юзига тираб, бошқасини болишга-ёстиққа беозор қўяди.

- Истеъдодли ижодкорлар чап томонидан хизмат мавқеи пухта, лекин кўтарилиши аҳтимоли кам кишилар ўнг томонидан ётадилар.

- Жанжалқаш, тажанг, инжиқ табиатли кишилар одатда чалқанча ухлайдилар. Бир кафтини боши-

га ёки болишга асабий босиб, бир оёғини букиб оладилар.

- Нозик табиат, кўнгличан, беғараз кишилар бор вазни билан тосга тиралиб, бир оёғини йиғиштириб ётадилар.

- Бахтсиз, ёлғиз, тушкун одамлар гужанак бўлиб ухлайдилар.

- Ўзбилармон, ўжар, лафзи қаттиқ кишилар қўлларини боши устига чамбар қилиб ёки кўксига қовуштириб оладилар.

- Диёнатли, орийатли олийжаноб кишиларнинг ётиши анча беса-ранжом. Улар кўпинча қоринда ётадилар, букчайиб ҳам оладилар.

- Таъсирчан, хўшқин кишиларнинг севган ҳолати қоринда ётиш, гоҳида бошларини болиш тагига тиқиб олишлари ҳам мумкин.

**М.МИРЗАШАРИПОВ** тайёрлади

## ТУНДА УХЛОЛМАЙ, ТОНДА УЙҒОНОЛМАЙ...

Баъзи кишиларнинг эрталаб уйқудан дарҳол уйғонишлари жуда қийин кечади. Уйғонгандан сўнг ҳам чарчок ҳолда бўлиб тезда ҳаракатга киришиб кетолмайдилар. Бойўғилларнинг бош миялари текширилганда кечалари уйғоқ бўлиб, эрталаблари узоқ ва қаттиқ ухлашлари кузатишган. Бу ҳол наслдан наслга ўтаркан.

Одамлардаги бу ҳолат ҳам асрлар давомида генларнинг ўзаро қўшилиб кетишидаги мутацияларидан пайдо бўлар экан. Бу ҳолатни фанда "Бойўғли синдроми" деб аташади. Бу синдром инсонлар қандай иш режимида ишлашларидан қатъий назар ўзгармас экан. Шифокорлар таъкидлашича, одамлардаги кофеин ва никотинга ўрганиб қолиш ҳолати ҳам бу синдромни кучайтишига олиб келаркан.

**Лола АХМЕДОВА** тайёрлади

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

**Оила ва жамият**  
Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.  
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА**  
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41  
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмахонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20:00  
Босишга топширилди - 21:00  
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»**  
Акциядорлик компанияси  
**ОБУНА ИНДЕКСИ** - 176  
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 140. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобоқ.  
Адади - 17798  
Саҳифаловчи — **А. ТОХИРОВ**  
Расоом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**  
Навбатчи — **Т. НОРИМОВ**  
Мусаххия — **С. САЙДАЛИМОВ**.